

## Тарихий Асарлар Таржимасида Эквивалент Бирликларни Ўринли Қўллаш

*Bayniyazov Azatbay Tursinbayevich*<sup>1</sup>

**Аннотация:** Мазкур мақолада Пиримқул Қодиров қаламига мансуб “Юлдузли тунлар” романининг туркман тилидаги таржимаси таққосланади, қардош тилларда муқобил сўз танлаш муаммоси ҳақида қиёсий таҳлиллар берилади.

**Калит сўзлар:** тасвирий воситалар, эквивалентлик, оригиналлик, бадиий таржима, қаҳрамон руҳияти.

Туркий халқлар узоқ тарихий замонлардан бери ўзаро яқин қўшни, қон-қардош бўлиб яшаб келмоқдалар. Уларнинг илдизи бир, урф-одатлари, маданият ва санъатида ўзаро уйғун жиҳатлар кўп. Шарқ халқлар адабиётшунослигида айнан бадиий адабиёт, таржимашунослик соҳасидаги яқинлик ва ўхшашлик хусусида, адабий манбалар асосида тадқиқотлар олиб борилган. Аммо Оролбўйи этномаданий ареалида қўшни бўлиб яшаб келаётган ўзбек, туркман ва қорақалпоқ халқлари адабиётидаги типология ҳамда таржимашунослик билан боғлиқ жиҳатларнинг қиёсий аспектда аспектда ўрганилиши умумфилологик аҳамиятга эга долзарб масаладир. Айни маънода биз мазкур мақоламизда ўзбек адабиётида тарихий роман жанрининг етук намуналаридан бири Пиримқул Қодировнинг “Юлдузли тунлар” романини туркман тилидаги таржимаси билан таққослашни, қардош тилларда муқобил сўз танлаш муаммоси ҳақида қиёсий таҳлилларимизни беришни жоиз деб билдик.

Ўзбек, туркман тилларидаги муштараклик ҳамма вақт ҳам оригиналнинг бадиий хусусиятини беравермайди. Чунки ҳаммага таниш бўлган оддий сўзлар матнда ҳар хил маъноларда келади. Уларга муқобил туркманча сўзлар кидириб топиш осон эмас. Чунки таржима – санъат. Таржимада бир тилдаги бирлик иккинчисига қуруқ алмаштирилмайди.

Таржимоннинг маҳорати оригиналдаги сўзга муқобил – маъно томондан тенг (тўла мос) келадиган сўзни ишлатишга боғлиқ. Илмий-назарий адабиётларда таржимада муқобиллик муаммоси қуйидагича изоҳланади: “Манба тили билан таржима тили ўртасида мазмуний, таркибий ва вазифавий жиҳатдан ўхшашлик муқобиллик саналади. Манба матн маъно-мазмунини етказиб берувчи таржима матн тил бирликларига функционал жиҳатдан муқобиллар (мос бирликлар) сифатида манба матн бирликлари ўрнида ишлатилади. Тил бирликлари меъёрий маънода ишлатилгани учун манба тили бирликларининг таржима тилида маълум муқобиллари мавжуд бўлиб, улар ҳар хил таржима матнларида ўша бирликларнинг ўрин алмашувчилари бўлиб қўлланилади. Бошқача айтганда, манба матн билан таржима матн орасидаги муқобиллик манба матн контекстининг турли қисмларида қайта ишлаб чиқилишига асосланган бўлиши мумкин”[1,52]. Ўрганишларимиз асосида шуни аниқладикки, туркманча таржимада таржимон (Ш.Чориев) муқобил сўз танлашда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига оид кўпгина туркманча луғавий бирликларни ўринли қўллаган. Чунки бадиий асарда ишлатилган барча сўзлар ҳам тасвирий воситалардир. Ана шу сўзлар воситасида ёзувчи бадиий асарнинг образлилигини, эмоционал-экспрессивлигини, ғоясини сўзлар воситасида ўқувчига етказиб беради, бадиий асарда тасвирланаётган воқеа-ҳодисаларга ўқувчининг муносабатини уйғотади. Бусиз бадиий асар-бадиий таржима ҳақида ҳам гап бўлиши мумкин эмас [2,22]. Дарҳақиқат, таржима қилишдан мақсад иккинчи тилга сўзлар тизмаси ёки гаплар силсиласини кўчириш эмас, балки уларнинг маънида яшириниб ётган маънони рўёбга чиқаришдан иборат. Ахир, таржимон хаттот эмас-ку.

<sup>1</sup> Karakalpak state University named after Berdakh



Мисоллар асосида юқорида билдирилган назарий фикрларни амалда изоҳлашга ҳаракат қиламиз. Қуйидаги қиёсимизда **хуфия** сўзининг тушиб қолиши натижасида Самарқанддан келган нома қандай қўлга киритлгани ҳақидаги маълумот таржима вариантда мавҳум бўлиб қолган:

**Асл нусхада:**

*-Қулингиз Самарқанддан хуфиялардан келган бир хабарни амирзодамга кўрсатишдан тортинган эдим. (Ю.Т. 78)*

**Таржимада:**

*-Гулыңыз Самаркандт бир нома алды велин, оны ша хезретлерине гөркезмәге-де чекинйэр. (Й.Г. 94)*

Буларга ўхшаш оригиналда бирор луғавий бирлик ўрнида унга мос келмайдиган номуқобил сўзлар ишлатиш, энг зарур сўзни тушириб қолдириш каби нуқсонлар таржимада кўплаб урчайди. Бундай нуқсонлар эса қутилаётган бадийлик талабига тўлиқ жавоб бермайди. Мутаржимдан алоҳида изланишни талаб қилади. Қуйидаги қиёсларимизда *тўриқ от, ўра, улүфа ботқоқлик* сўзларининг маъноси аслиятга нисбатан умуман фарқланадиган вариантларда берилган:

**Асл нусхада:**

*Мавлоно Фазлиддин подшоҳнинг хос меъмори қилиб тайинланган, унга яхшигина улүфа белгиланган эди. (Ю.Т. 85)*

**Таржимада:**

*Ша хезретлери молла Фазлиддининг гадырыны билди. Ол көче накгашы эдилит белгиленди, оңа ишлер хем яшар ялы чаклаңжа жай гуруп бердилер. (Й.Г. 104)*

**Асл нусхада:**

*1.Бериги ёқдаги оёқлари узун тўриқ қашқа отни анжомлари билан Бобур мирзо инъом этган эди. (Ю.Т. 85)*

**Таржимада:**

*Бери тарапдакы аяқлары узын дор аты Бабыр мүрзе ахли эер-әнжамы билен арзылы накгаша совгат берипди. (Й.Г. 104)*

*2. Қувасой батқоғининг устидан... (Ю.Т.5)*

*Қувасай дерясының үстүндәки... (Й.Г.65)*

*3. Бўш ўрангиз борми почча? (Ю.Т.50)*

*-йығнара ериңиз бормы гиев? (Й.Г. 65)*

Бадий таржимада тарихий миллий колоритни сақлаш тамойиллари юзасидан илмий тадқиқот иши олиб борган филология фанлари бўйича фалсафа доктори Барно Бўронова айнан мазкур асарнинг туркман тилидаги таржимасида эквивалент сўзлар танлашда мутаржим маҳоратига шундай тўхталади: “асар тилида ишлатилган луғавий бирликларни туркман тилига ўгиришда таржимон Шодурди Чориев муайян даражада асл нусханинг бадийлиги, образлиги, эмоционаллигини ифодалашда туркман тилидан мос бирликлар танлашга ҳаракат қилган. Масалан: ўзбек тилида ҳаракат-ҳолатнинг бажарилиш даражасини англатувчи аста, оҳиста, суст, секин сўзларига (м: секин ўрнидан турди) таржимон туркманча *ховлукмазлык, гыссанмазлык, әвмезлик, алаңсамазлык* каби синонимик қатордан муқобили сифатида *әвмезлик* сўзини танлаб, оригиналдаги мазмунни, адибнинг мақсадини тўғри ифодалаган.” [3,118].

Олиманинг фикрига қарши чиқмаган ҳолда шуни қўшимча қилмоқчимизки, асл нусхадаги айрим луғавий бирликларга айнан тенг келадиган синонимлар танлашда таржимон баъзи историзмларни замонавийлаштирган, баъзан туркман тилида бор сўзларни фаол вариантыда берган. Яна қиёсларга мурожаат қиламиз:

*Бобур хиргоҳ тўрида тўртта олтин зина билан чиқиладиган баланд шоҳсуна устида ёлғиз ўтирибди. (Ю.Т. 84)*

*Бабыр дөрт саны басганчак билен галынян белент шасыпаның үстүнде айбогдашыны гуруп еке өзи отырды. (Й.Г. 102)*



Аёнким, юқорига чиқиш, пастга тушиш учун мўлжалланган махсус қурилма маъносини ифодаловчи предметнинг номи оригиналда ҳам, таржимада ҳам синонимларни ишлатиш принципларига тўла мос келади.

Маълумки, “таржима мақсади матнни фақат ўқувчининг қабул қилиш даражасига мослаш билан чегараланмасдан, аслиятнинг мазмуни, услубий, бадий қимматини заррача футур етказмасдан қайта яратиш чораларини кўришга йўналтирилиши лозим. Акс ҳолда, матннинг аслият тилидаги таъсири ва жозибаси таржима матнида ўз кучини йўқотади.” [4,15]. Айни ҳодисанинг амалий исботини куйида метафорик образли қўлланган шунқор ва бургут сўзларининг муқобиллигида қиёслаймиз:

**Асл нусхада:** -Тез бориб шунқорларимга айт, Бобурнинг бошини кесиб келган одамга боши борабарлик олтин бераман!

**Таржимада:**-Тиз ет-де, бургутлериме айт, «Кимде-ким Бабырың башыны алып гелсе, хан шоңа шол кэллэниң ағрамына барабар алтын бержек дий. (Ю.Т. 218, Й.Г. 235)

Маълумки, **шунқор**-кучли, йиртқич қуш – кўчма маънода мардлик, ботирлик, эпчил, чаққон, жасур, ғоят ғайратли, шижоатли маъносида ижобий бўёқдорликка эга. Бургут эса йиртқич овчи қуши кўчма маънода *йиртқич, ёвуз* одам маъносида ишлатилади.

Қисқагина лексикографик қиёсларимиздан маълум бўлишича, туркман тилида шунқорнинг муқобили бўлмаганидан *йиртқичлик хусусияти билан умуман маънодош бўлган бургут* муқобили тўғри танланган.

«Юлдузли тунлар» ва унинг туркманча таржимасида ҳам бўри, шер, қашқир, кийик каби ёввойи ҳайвон номларини терминлар ҳам кўчма маънода ишлатилган. Айниқса Бобур мирзонинг тожу тахтнинг шафқатсиз уммонига эндиgina қадам қўйган мурғак қалби, гулдек нафис туйғулардан воз кечиб бевафо давлат жафоларига мардона курашишга тайёр руҳиятини тасвирлашда юқоридаги сўзлар ўзаро мутаносиблик ҳосил қилган. Матнни кузатинг:

1. Бобур бўрилар тўдаси орасида **кийик** бўлиб кун кўролмаслигини ич-ичидан хис қиларди. (Ю.Т. 80)
2. Бабыр мөжк сурисининг арасында **кейик** болуп яшап болмаздыгыны билди. (Й.Г.97)
3. Бобур **қашқирлар** қуршовига тушиб қолгандек безовталанар эди. (Ю.Т. 80)
4. Эдил **гөлегуртлар** ордасының арасына дүшен ялы Бабырың йүреги битақат урунды. (Й.Г.96)
5. Бобур...**бўрилар** билан шер бўлиб олишишни истар эди. (Ю.Т. 80)
6. Мөжк сүрүсиниң арасында шир болмак герек. (Й.Г. 97)

Қиёсларимиздан аёнки, таржимон аслиятга ҳамоҳанг равишда туркман адабий тилида ҳам, жонли тилида ҳам фаол ишлатиладиган *кейик-кийик, қашқирлар-гөлегуртлар, бўри-мөжк* эквивалент бирикмасини ўринли қўллаган. Зеро, “Муқобиллик аслиятдаги вазиятни таржимада тўлиқ акс эттиришга бўлган ҳаракатдан юзага чиқади. Таржимон матнни ўз тилида қайта ярата туриб, аслият ўқувчиси асарни қандай тушунган ва таъсирланган бўлса, таржима матнни ўқувчи ҳам шундай таассуротга эга бўлишига эришишни мақсад қилиб қўяди. Бироқ икки тил эгалари ўртасидаги лисоний, маданий, ижтимоий ва ҳоказо фарқлар таржиманинг фақат лингвистик ўлчовларига таяниб амалга оширилишига йўл қўймайди. Таржимада муқобил тушунчаларни бериш ва ўқувчи томондан аслиятдаги маънони айнан қабул қилишига имкон бериши учун таржимон ўз тили бойликларидан унумли фойдаланиши зарур” [5,13].

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Раҳимов Ғ. Таржима назарияси ва амалиёти. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2016. – Б. 52.
2. Қўнғуров Р. Ўзбек тилининг тасвирий воситалари. – Тошкент: Фан, 1977. – Б. 22.



3. Бўронова Б. Бадиий таржимада тарихий миллий колоритни сақлаш принциплари. Ф.ф.ф.д.дисс.–Тошкент. 2021. –Б.118
4. Сирожиддинов Ш. Одилова Г. Бадиий таржима асослари. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2011. –Б. 15.
5. Сирожиддинов Ш. Одилова Г. Бадиий таржима асослари. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2011. –Б. 13.
6. Қодиров П. Юлдузли тунлар. – Тошкент: Ўзбекистон. 1981. – 496.
7. Кадыров П. Ўйылдызлы гижелер – Ашгабат: Түркменистан, 1988.— –Б. 558

